

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ



Қўлёзма ҳукукида

ДУК-

*ЎЗБЕКИСТОНДА ШАҲАР АТРОФИ РЕКРЕАЦИЯ ҲУДУДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
МАСАЛАЛАРИ (ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ МИСОЛИДА)*

5A340103 – “ Шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойини комплекс қуриш ”
мутахассислиги

“ Шаҳарсозлик архитектураси ” бўйича магистр даражасини олиш учун
УМАРОВ ОТАБЕК ЗУЛФИКАРОВИЧ

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: доц. Исомухамедова Д.У

«Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси»

Кафедра мудири: доц. Умаров М.У

Магситрант: Умаров О.З

ТОШКЕНТ

Вопросы организации загородных рекреационных территорий (зон) Узбекистана (на примере Ташкентского море)

Аннотация

Объектом исследования является организация с точки зрения градостроительства объектов отдыха и архитектуры открытых сред расположенных в акватории Ташкентского моря.

Зона отдыха и формирующие его факторы на территории Ташкентского мори составляют предмет исследования.

Основой метод исследования состоит из изучения и анализа опытов по организации рекреационных территорий, изучение статистических данных, нормативных документов, изучения территории на месте и обобщив заключения, разработать рациональные предложения на основе современных требований. До настоящего времени осуществлены несколько проектировочных работ по организации рекреационных территорий в Ташкентской области. В литературе проанализированы факторы влияющие при организации рекреационных зон в Узбекистане и даны необходимые рекомендации. Одного, рекомендации и проектное решения по освоению в целях рекреации территорий именно побережья Ташкентского моря дает впервые и эти решения считаются научной новизной исследования.

Аналитические материалы, рекомендуемые решения и проектные предложения собранные в результате исследования могут быть применена в архитектурно – планировки организации зон отдыха расположенных или располагаемых в будущее не только на территории Ташкентского моря, но и в других рекреационных территориях Республики.

”Ўзбекистонда шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини ташкил этиш масалалари (Тошкент денгизи мисолида)”

АННОТАЦИЯ

Тошкент денгизи атрофида жойлашган дам олиш объектлари ва очик муҳитлар архитектурасини ва шаҳарсозлик нуқтаиназаридан ташкил этиш тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тошкент денгизи ҳудудидаги дам олиш зонаси ва уни шакллантирувчи омиллар тадқиқотнинг предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг асосий методи рекреацион ҳудудларни ташкил этиш бўйича тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан, статистик маълумотларни, меъёрий ҳужжатларни ўрганишдан, ҳудудни жойида ўрганиб чиқиш ва ҳулосаларни умумлаштириб, замон талаблари асосида рационал таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Шу кунгача Тошкент вилоятида рекреация ҳудудларини ташкил этиш бўйича бирқанча лойихалаш ишлари амалга оширилган. Адабиётларда Ўзбекистонда рекреация зоналарини ташкил этишда таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган ва зарур тавсиялар берилган. Аммо, айнан Тошкент денгизи бўйи ҳудудини рекреация мақсадларида ўзлаштириш бўйича тавсиялар ва лойихавий ечим биринчи бор берилмоқда ҳамда бу ечимлар тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Изланиш натижасида тўпланган таҳлилий материаллар, тавсия этилажак ечимлар ва лойиха таклифи келгусида нафақат Тошкент денгизи ҳудудида, балки республикаимизнинг бошқа рекреация ҳудудларида жойлашган ва жойлашадиган дам олиш зоналарини меъморий-режавий ташкил этишда қўл келади.

КИРИШ

Ўрта Осиё ўзининг маданий, меъморий ёдгорликлари билан дунёга донг таратган ўлка ҳисобланади. Шу жумладан, республикамизда ўтмишда қурилган маданий обидалар ҳозирги кунда ҳам халқимизнинг минг йиллик маданий йилномаси сифатида қад тиклаб турибди. Қадимги даврдаги бинокорлар нафақатгина ўзининг бой тажрибасига асосланиб иморатларни лойиҳалаган, балки меъморчиликнинг ўша даврда мавжуд назарий ғояларга суяниб иш олиб борганлар. Демак, тарихий ёдгорликлар ўзининг юксак бадиийлиги билангина эмас, муҳандислик нуқтаи назаридан мукамаллиги, ўзига хос ландшафт архитектураси билан ҳам кишини хайратга солади.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан умумэътироф этилаётган масалалардан бири маҳаллий, миллий, регионал ва глобал миқёсда барқарор ривожланишга эришиш. Барқарор ривожланиш эса экологик муаммоларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммолар билан ягона тизимда туриши, уларни кишилик жамияти фаолиятининг барча жабҳалари орқали хал этиш мумкин эканлигини уқтиради. "Ўзбекистоннинг дам олиш ва саломатликни тиклаш имкониятлари,- деган эди Президентимиз Ислом Каримов ўзининг "Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" номли асарида, - саёҳат маршрутларининг хилма-хил турларини ташкил этишга ва саёҳатчиларни бутун йил давомида қабул қилишга шароит яратади". 2007 йил Президентимиз ўзининг Сингапурга қилган расмий ташрифидан аввал журналистларга берган интервьюсида "Гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир", деб бежиз айтмаган эди.

Ҳозирги пайтда энг жадал суратларда ривожланиб бораётган иқтисодиёт соҳаларидан бири туризмдир. Замонамизда туризм соҳаси, XX асрдан фарқли ўлароқ, нафақат ривожланган мамлакатларда, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам иқтисодиётнинг муҳим тармоғига

айланиб бормоқда. Бу ўринда туристик бозорнинг деярли ярмини қамраб олган Осиё-Тинч океани минтақалари, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари етакчилик қилмоқда.

Туризмнинг аҳамияти беқиёс эканлигини кўпгина адабиётларда ёритиб берилган. Туризм индустрияси ўзида катта сармоя ва ресурсларни мужассамлаштириш билан бир қаторда мустақил давлат ва жамият учун зарур бўлган маърифий-маънавий функцияларни бажарувчи иқтисодиёт тармоғидир. Туризм орқали чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон деган юрт ҳамда унинг бой тарихи, меъморий ёдгорликлари, маданияти ва бетакрор табиати ҳақидаги тасаввурга эга бўлсалар, маҳаллий фуқаролар - ўз Ватанинг ўзларига маълум бўлмаган қирралари билан яқиндан танишадилар, уларда Она Юртига нисбатан миллий ифтихор ҳамда ғурур туйғуси янада тўлиқ шаклланади. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг шундай табиий масканлари борки, улар нафақат туризмни, балки инсон саломатлиги учун зарур бўлган рекреацион ҳудудларни ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятини беради. Бундай ҳудудларни республикаимизнинг барча вилоятларида учратиш мумкин.

Уларга бўлган эътибор, ҳалққа бўлган эътибор демакдир. Президентимизнинг 2016 йилни “ Соғлом она ва бола йили ” деб аташида чуқур маъно бор. Чунки соғлом онадан соғлом бола туғилади. Соғлом бола эса-юрт келажаги. Ана шу буюк келажак сари одим ташлаётган Ўзбекистон ҳалқ саломатлиги йўлида барча мавжуд имкониятларни ишга солаётган мамлакат ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг долзарблиги.

Ўзбекистонимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талабидир. Президент Ислам Каримов мамлакатимизни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга мўлжалланган дастурларда энг муҳим устивор йўналишлар сифатида шаҳарларимиз меъморий-ландшафт муҳитининг савиясини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Бугунда Тошкент шаҳрини улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Шаҳарнинг кўплаб кўча ва хиёбонларида кенг кўламли бунёдкорлик-қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Янги турар-жой, маъмурий бинолар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, атрофи обод этилаётир. Бу янгилик ва ўзгаришларга барчамиз гувоҳ бўлиб, қадимий шаҳримизнинг тарихий улуғлигига мос равишда кун сайин замонавий ва кўркамлашиб бораётганлигини кўриб, қалбимиз ғурурга тўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27-январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш – устивор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29-январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда юқорида таъкидланган муаммоларнинг ечимини топиш ва уни ҳаётга оғишмай жорий қилиш республикаимиз ва хусусан, Тошкент вилояти архитекторлари ҳамда бу соҳа мутахассислари олдига катта вазифалар қўйди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, аҳолининг яшаш жойларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг дам олишлари учун атроф муҳит меъморий-ландшафт ечимларини замон талаблари даражасига кўтариш, айниқса, жаҳон туристик шаҳарлари тизимига кирган Тошкент шаҳри ташқи қиёфаси, очиқ муҳитлар архитектурасини ҳамда рекреация худудларини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида Тошкент шаҳрида тарих зарварақларидан мустаҳкам ўрин олган катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида, тарихий обидаларни қайта таъмирлашда, қадриятларимизни тиклашда, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда салмоқли натижаларга эришилди.

Тошкент шаҳри ландшафтининг бугунги ҳолатига ҳолисона баҳо бериш, унинг келажақдаги тараққиётини тўғри белгилаш учун бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниши, умумлаштирилиши ва тегишли ҳулосалар чиқарилиши керак. Мустақилликка эришганимизга ҳали кўп бўлмаган бўлсада, бу даврда бажарилган бунёдкорлик ишлари, кўлами кенгдир. Бу соҳадаги ютиқ ва камчиликлар таҳлил қилинмоғи ва ҳолисона баҳоланмоғи зарур. Тўғри, 25 йил ичида Тошкент шаҳри ландшафт архитектурасида илғор йўналишлар ва бадий-меъморий услубларнинг шаклланиб улгуриши қийин албатта. Бироқ, бу даврда бундай йўналиш ва анъаналарнинг тамал тоши қўйилган, етарли даражадаги асослар йиғилган. Айниқса, Тошкент вилояти ҳудудида рекреацион мажмуаларни ташкил этиш, мавжудларини замон талаблари асосида модернизация қилиш далзарб мавзу ҳисобланади. Биз ана шу имкониятларни ҳисобга олиб мазкур диссертациянинг тадқиқот объектларини, предметини, мақсадини белгилашга ва мавзунинг долзарблигини асослашга муяссар бўлдик.

Тадқиқотнинг мақсади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади рекреация ҳудудларини ташкил этиш бўйича мавжуд имкониятларни ўрганиш. Тошкент вилояти дам олиш зоналарининг шакилланганлик даражасини таҳлил қилиш, рекреация ҳудудларини ташкил этиш бўйича юртимиз ва бу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида Тошкент

денгизи ён бағрларида замонавий рекреацион ҳудудларни ташкил этиш бўйича истиқболли илғор йўналишларни аниқлаш ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари.

Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилардан иборат вазифалар белгиланди:

- рекреация ҳудудларини ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш;
- юртимиз ҳудудида рекреация зоналарини ташкил этиш масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- Тошкент вилояти дам олиш ҳудудларининг ўзига хос табиий, иқлимий ва режавий хусусиятларини таҳлил қилиш;
- Тошкент вилояти рекреация ҳудудларининг ҳозирги ҳолатини ҳамда ривожлантириш ситиқболларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- таҳлил материаллари асосида тошкент вилояти ҳудудида рекреация зоналарини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Тошкент денгизи бўйида замонавий рекреация зонасини ташкил этиш бўйича лойихавий таклиф ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Диссертацияда кўтарилган мавзу архитектура назарияси ва тарихи, шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси ва моддий маданиятимиз соҳаси билан боғлиқ илмий адабиётларда у ёки бу даражада ўрганилган бўлса-да, алоҳида диссертация кўринишидаги тадқиқот сифатида шу пайтгача илмий жиҳатдан кенг қамровли ўрганилмаган. Биз ўрганаётган соҳага таалукли илмий ишлар Д.А.Нозилов, Л.А.Адилова, В.С.преоброженский,

Ю.А.Веденин, Р.М.Валиев, А.Н.Зотов, В.В.Владимиров, Х.К.Турсунов ва А.Э.Эсенов каби олимларнинг ишларида учрайди.

Тошкент вилояти ҳудудида рекреация зоналарини ташкил этиш масалалари бўйича материаллар Т.М.Щетинина, В.к.Копшев, Г.К.Гольдштейн, Л.А.Мансуроваларнинг лойиха ва нашрий ижод маҳсулларида учрайди.

Бироқ, таъкидлаш керакки, ушбу олимларнинг ишларида Тошкент денгизи бўйи ҳудудида рекреация зонасини ташкил этиш масалалари, айниқса, Мустақиллик йилларида бу соҳада амалга оширилган ёки оширилиш керак бўлган ишлар таҳлиliga тўхталиб ўтилмаган.

Юқоридагилар мазкур диссертациянинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот объекти.

Тошкент денгизи атрофида жойлашган дам олиш объектлари ва очиқ муҳитлар архитектурасини ва шаҳарсозлик нуқтаиназаридан ташкил этиш тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети.

Тошкент денгизи ҳудудидаги дам олиш зонаси ва уни шакллантирувчи омиллар тадқиқотнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқот методлари.

Тадқиқотнинг асосий методи рекреацион ҳудудларни ташкил этиш бўйича тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан, статистик маълумотларни, меъёрий ҳужжатларни ўрганишдан, ҳудудни жойида ўрганиб чиқиш ва ҳулосаларни умумлаштириб, замон талаблари асосида рационал таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотни илмий янгилиги.

Шу кунгача Тошкент вилоятида рекреация ҳудудларини ташкил этиш бўйича бирқанча лойихалаш ишлари амалга оширилган. Адабиётларда Ўзбекистонда рекреация зоналарини ташкил этишда таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган ва зарур тавсиялар берилган. Аммо, айнан Тошкент денгизи бўйи ҳудудини рекреация мақсадларида ўзлаштириш бўйича тавсиялар ва лойихавий ечим биринчи бор берилмоқда ҳамда бу ечимлар тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Изланишдан кутилётган натижа.

Изланиш натижасида тўпланган таҳлилий материаллар, тавсия этилажак ечимлар ва лойиха таклифи келгусида нафақат Тошкент денгизи ҳудудида, балки республикамизнинг бошқа рекреация ҳудудларида жойлашган ва жойлашадиган дам олиш зоналарини меъморий-режавий ташкил этишда қўл келади.

Дессертациянинг таркиби.

Дессертация кириш қисми, 3 бўлим, ҳар бўлим бўйича хулосалар, умумий хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, тадқиқотдан кутилаётган натижалар ҳамда дессертациянинг таркиби баён этилади.

Асосий қисм 3 бўлимдан ташкил топади.


Биринчи бўлимда шаҳар атрофи рекреация ҳудудларининг замонавий йўналишлари таҳлили ва лойихалаш тажрибаси ёритилади.

Иккинчи бўлимда шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини ташкил этишга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилади.

Учинчи бўлимда шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини архитектура – режавий ташкил этиш бўйича таклифлар баён этилади.

Умумий хулоса қисмида барча тадқиқот натижалари умумлаштирилади ва умумий тавсиялар берилади.

Диссертацияни таркиби



Илмий ишни долзарблиги.

Тошкент вилояти худудида рекреацион мажмуаларни ташкил этиш, мавжудларини замон талаблари асосида модернизация килиш далзарб мавзу хисобланади.

Тадкикотнинг максади.

Рекреация худудларини ташкил этиш бўйича мавжуд имкониятларни урганиш.

Тадкикот объекти.

Тошкент денгизи атрофида жойлашган дам олиш объеклари ва очик мухитлар архитектурасини ва шаҳарсозлик нуктаиназаридан ташкил этиш тадкикотнинг объекти хисобланади.

Тадкикотнинг вазифалари.

Диссертация максадидан келиб чиккан холда куйидагилардан иборат вазифалар белгиланди:

- рекреация худудларини ташкил этиш бўйича жахон тажрибасини ўрганиш;
- юртимиз худудида рекреация зоналарини ташкил этиш масалаларини ўрганиш ва тахлил килиш;
- Тошкент вилояти дам олиш Худудларининг ўзига хос табиий, иклимий ва режавий Хусусиятларини тахлил килиш;

Тадкикот предмети.

Тошкент денгизи худудидаги дам олиш зонаси ва уни шакллантирувчи омиллар тадкикотнинг предмети ташкил этади.

Тадкикотни илмий янгилиги.

Тошкент денгизи бўйи худудини рекреация мақсадларида ўзлаштириш бўйича тавсиялар ва лойихавий ечим биринчи бор берилмоқда ҳамда бу ечимлар тадкикотнинг илмий янгилиги хисобланади.

Изданишдан кутилётган натижа.

Изданиш натижасида тўпланган тахлилий материаллар, тавсия этилажак ечимлар ва лойиха таклифи келгусида нафакат Тошкент денгизи худудида, балки республикаимизнинг бошқа рекреация худудларида жойлашган ва жойлашадиган дам олиш зоналарини меъморий-режавий ташкил этишда кўл келади.

Мундарижа

КИРИШ	4
I боб. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини ташкил этиш тажрибаси	
I.1. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини ташкил этишнинг чет эл тажрибаси	14
I.2. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини ташкил этишнинг Ватанимиз тажрибаси	20
I боб бўйича хулосалар.....	33
II боб. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини ташкил этишга таъсир қилувчи омилларни тадқиқ этиш	
II.1. Табиий – иқлимий омиллар	36
II.2. Ижтимоий – иқтисодий омиллар	42
II.3. Экологик омиллар	45
II.4. Транспорт ва пиёдалар йуллари	49
II боб бўйича хулосалар.....	51
III боб. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини архитектура – режавий ташкил этиш бўйича таклифлар	
III.1. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини шакллантириш Тамойиллари	53
III.2. Тошкент денгизида дам олиш ҳудудини шакллантириш бўйича лойиҳавий таклиф	59
III боб бўйича хулосалар.....	62
Умумий хулосалар.....	64
Адабиётлар рўйхати.....	67
Иловалар.	

I.1. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини лойиҳалашнинг

Чет эл тажрибаси.

Шаҳар атрофида дам олиш ҳудудларини ташкил этишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва улардаги мавжуд ижобий ҳолатлардан унумли фойдаланиш соҳа ривожига катта хисса қўшиши мумкин.

Қуйида Озарбайжон ва бир қанча Европа мамлакатларида денгиз бўйи рекреация ҳудудларини шакиллантириш бўйича тўпланган тажрибалардан маълумотлар келтирилган.

Озарбайжон Республикасида кўп функцияли шаҳарларнинг ривожланиётганини кузатиш мумкин. Агросаноат шаҳарлари билан бир қаторда дам олиш, туризм ва санатория – курорт шаҳарлари ҳам ривожланиб бормоқда.

Аҳоли дам олиш ҳудуди / рекреация / бу алоҳида функционал ҳудуд ҳисобланади.

Унинг унсурлари / элементлари / шаҳарда аҳоли яшаш жойларида, саноат ҳудудларида ва улардан ташқарида қисқа муддатли (дам олиш кунлари) ва узоқ муддатли (таътил пайтида) дам олиш жойлари ташкил этилади (пансионатлар, ўқувчилар оромгоҳлари, боғдорчилик хўжаликлари).

Озарбайжоннинг географик жойлашуви унинг табиати ва иқлимининг турли туман бўлишини таъминлайди. Озарбайжон Республикиси Миллий фанлар академияси тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ер шарида мавжуд 11 турдаги иқлимнинг фақатгина 2 туригина бу ерда учрамайди: саванна ва тропик ўрмонлари иқлими [*].

Озарбайжон Республикаси майдони 86,6 минг км² ни ташкил этади.



Расм. Озарбайжон давлатидаги рекреация ҳудудларининг фото кўринишлари.

Республика ҳудудида бир қанча ландшафт турлари мавжуд бўлиб, улар қуруқ ва нам субтропиклардан тортиб доимий музликлар ва қорликлардан иборатдир.

Озарбайжон ҳудуди минерал сув манбаларига жуда бой. Истисув, Туришсув, Аркивон, Словянка, Сурахан, Шихова, каби минерал манбалар асосида Республика миқёсидаги курортлар фаолият юритмоқда.

Турли – туман иқлим кўринишларига эга бўлган Озарбайжон табиати ер ости ва ер усти минерал сувларга бой. Тупроқ ўсимлик ва ҳайвонат дунёсининг рангбаранглиги, иссиқ ва минерал манбаларнинг мавжудлиги Республика ҳудудида жаҳон даражасидаги курортлар ва дам олиш масканларини ташкил этиш имкониятларини беради. Ушбу зоналарда ҳудуднинг ўзига ром этувчи мафтункор кўриниш, тарихий ва меъморий ёдгорликларнинг мавжудлиги, кўллар ва дарёлар, флора ва фаунанинг турли – туманлиги бу ерда йирик туристик марказлар ташкил этиш имкониятини беради.

Аҳоли яшаш ҳудудлари, дам олиш, даволаниш ва туризм масканлари, яъни бутун аҳоли жойлашуви тизими ландшафт –

рекреацион зоналарнинг бутун аҳоли жойлашуви гуруҳли тизими билан боғлиқдир.

Бир вақтнинг ўзида Озарбайжон ландшафт – рекреацион ҳудудларини ташкил этишда бу ерда дам олувчилар учун яратиладиган маданий – маиший хизмат объектлари тизимини ташкил этиш ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолига яратилаётган хизмат кўрсатиш муассасалари тизими билан чамбарчас боғлиқ бўлиши ва жаҳон стандартларига мос келиши керак.



Расм. Озарбайжон давлатидаги рекреация ҳудудларининг фото кўринишлари.

Бу муассасалар аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизимига кирувчи барча шаҳар ва қишлоқлар маданий – маиший хизмат кўрсатиш тизими билан бевосита боғлиқ бўлиши керак. [*].

Апшеранинг шимолий қирғоғи, Ленкоран қирғоғи бўйининг қора пляжлари, Каспий қирғоғ бўйининг ўрмон массивлари, Катта Кавказнинг ҳайратомуз тоғ олди ҳудудлари Озарбайжоннинг энг гўзал дам олиш масканлари ҳисобланади.

Германия Федератив Республикаси денгиз бўйи ҳудудларининг ландшафт ва табиати, шунингдек, у ерларда ландшафт – рекреацион зоналарни ташкил этишнинг шаҳарсозлик масалалари кўп жиҳатдан Озарбайжондагига ўхшаб кетади. Германияда ва Польшада денгизбўйи ҳудудларда қирғоқ бўйларида бир қатор курортлар жойлашган бўлиб, уларга параллел равишда, яқин масофада, яъни 6 – 15 км йироқликда Висмар - Росток – Штральзунд – Грейфсвальд темир йўл магистрالي ўтган. Анчайин йирик денгизбўйи Росток тизими муҳим ҳалқ хўжалиги функцияси (порт, верф) нинг рекреация функцияси билан қўшилиб

кетишига мисол бўла олади. Тез ривожланаётган Росток агломерацияси яқинда жойлашган туризм марказлари ва денгизбўйи курорт зоналари билан яхши транспорт алоқаларига эга.



Расм. Германия давлатидаги рекреация ҳудудларининг фото кўринишлари.

Қора денгиз қирғоғи бўйлаб ҳам рекреацич, саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалиги ҳудудларининг аҳоли жойлашуви тизимида функционал ва композицион уйғунлиги, кооперация тенденцияларини кузатиш мумкин.

Бой ландшафт композицияларини Болгариянинг қора денгиз қирғоғи бўйи ҳудудларида учратиш мумкин. Болгария ва Руминия қора денгиз бўйи курорт зоналари меъморий – режавий ва бадий ечимларининг яхлитлиги билан ажралиб туради. Қачонлардир бўм – бўш ётган ҳудудларда дам олиш ва даволаниш масканлари ястаниб ётибди. Уларнинг ҳар бири яратилган вақтига кўра ўз меъморий – композицион кўринишига эга.

Болгариянинг (“Албена”) ва Руминиянинг (“Манголия – норд ”) курортлари қора денгизбўйи қирғоғларига янгича композицион акцент ва янада йирик нисбатларни олиб кирди. Бу ерда энди архитектуранинг табиатдаги ўрни ҳақида эмас, болки табиатнинг архитектурадаги ўрни ҳақида гапириш тўғри бўлади. Кўп босқичли композиция, йирик ҳажимга эга биноларнинг кўплиги, рельефнинг фаол иштироки, мураккаб фазовий ечим – буларнинг барчаси ўзаро ҳамоҳанг бўлиб, асосий табиий

омил – денгиз билан мураккаб ўзаро алоқада бўлади ҳамда бир неча юз километрларга чўзилган яхлит композицияни ташкил этади.



Расм. Болгария давлатидаги тарихий обидалар, дам олиш ва рекреация ҳудудларининг фото кўринишлари.

Венгиряда Балатон кўли – яъни “венгир денгизи” райони ўзига хос дам олиш зонаси бўлиб, ажойиб ансамбилни ташкил этган. Бу ерда туманни режалаштириш схемаси асосида ташкил этилган дам олиш ҳудуди нафақат дкнгиз бўйини, балки ичкарироқда жойлашган аҳоли яшаш ҳудудларини ҳам қамраб олган. Бу ҳудудда турли туман яшаш ҳудудлари, кемпинглар, санаторийлар, мотеллар, овқатланиш муассасалари, транспорт корхоналари ўзаро алоқада бўлиб, икки юз километр масофада жойлашган. Уларнинг кўл билан бир қаторда ўзига хос архитектуравий услуб, унча катта бўлмаган нисбатлар, бино ва иншоотлардаги маҳаллий, миллий колорит бирлаштириб туради. Балатоннинг йирик ўлчамларига қарамай (узунлиги 75 км), ансамбл шундай ташкил этилган – ки, унинг элементлари инсон ўлчамларига мос, шинам ва дам олишга чорлайди.



Расм. Венгрия давлатидаги “Балатон” кўли атрофидаги рекреация ҳудудларининг фото кўринишлари.

Адриатика қирғоқ бўйлари собиқ Югославиянинг асосий курорт зоналаридан ҳисобланади. Аммо у Болгариядаги каби бир йирик ансамбль бўлиб шакилланмаган. Мавжуд комплекслар бўш ҳудудлар билан бир – биридан ажралиб туради. Аммо, Сплид, Дубровник каби шаҳарлар ўзининг анча кенг таъсир доирасига эга ва уларга кўплаб кичик шаҳарлар ва курорт қишлақчалар боғланган.

Чет эл тажрибаси шуни яққол кўрсатади – ки, аҳоли пунктларининг персепектив йўналишларини аниқ кўра билиш ва ҳисобга олиш уларнинг меъморий – режавий ечимларини ҳал қилишда улардаги турар – жой, коммунал – маиший, савдо, саноат ва комплекс равишда ечиш имконини беради.

I.2. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини лойиҳалашнинг

Ватанимиз тажрибаси.

Давлатимиз сиёсатининг асосий масалаларидан бири фуқаролар саломатлигини тиклаш ва уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишдан иборатдир. Аҳоли дам олишга бўлган эҳтиёжларининг ортиб бориши дам олиш, спорт ва туризмнинг турли кўринишларига бўлган эътиборнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида дам олиш масканларига бўлган талабнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Рекреация ҳудудларини меъморий – режавий ташкил этиш масалаларини умумий шаҳарсозлик сиёсати аспектида кўриб чиқиш зарур.

Бу ўз навбатида шаҳарсозлар ва тадқиқотчилар олдида қўядиган масалаларни қўяди:

- рекреация ҳудудлари фазовий – режавий тузилмасини аниқлаб берувчи асосларни таҳлил қилиш;
- дам олиш шароитларини яхшилашни таъминловчи меъморий – режавий ечимларини ишлаб чиқиш;
- шакилланаётган рекреацион ҳудудларда рекреацион объектларни тўғри жойлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Аҳоли яшаш ҳудудларининг гуруҳли тузилшда шаҳар ташқарисидаги дам олиш масканларини бир қанча қисқа муддатли ва узоқ муддатли дам олиш ҳудудлари йиғиндиси сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Аҳоли яшаш ҳудудлари гуруҳли тизимининг бир даражадаги ташкил этувчилари – аҳоли жойлашуви, транспорт ва табиий ландшафт шаҳар ташқарисидаги дам олиш ҳудудларининг ташкилий тузилмаси билан бе - восита боғланган бўлади. Улар комплекс равишда рекреацион алоқалар - нинг ривожланиш ва тақсимланиш жараёни механизмига, яъни аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли тизимидаги шаҳар ташқарисидаги дам олиш ҳудудлари режавий таркибига асос бўлади.

Тоғолди ҳудудларида шакилланаётган аҳоли яшаш жойларининг гуруҳ - ли тизими текисликлардаги аҳоли яшаш ҳудудларига нисбатан дам олишнинг қисқа ва узок муддатли турларини ташкил этиш бўёича кўпроқ имкониятларга эга.



Расм. Бўстонлик туманидаги “Чорвоқ” рекреация ҳудудининг фото кўриниши.

Тоғолди ҳудудлар дам олувчилар орасида катта қизиқиш уйғотади. Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган Оқтош, Чимён, Чорвоқ, Хумсон туманлари тоғли зоналар ичида катта аҳамият касб этади. Қулай микро- иқлим, катта сув ҳавузаси ва ривожланган дарёлар тизими, яхши ўзлаш- тирилган рекреация ҳудуди ушбу зоналарнинг ўзига хос ижобий хусусиятларидандир. Айнан шу ҳудудлар пойтахт аҳолисининг асосий дам олиш зонаси ҳисобланади.

Аммо, ижобий хусусиятларидан ташқари бу зоналарда салбий ҳолат - лар ҳам учраб туради:

- ҳудуддан нораціонал фойдаланиш;
- меҳнат ресурсларининг тўғри тақсимланмаганлиги;

- рекреация муассасаларини сочилиб кетганлиги;
- ягона бошқарувнинг йўқлиги.


Мавжуд соғламлаштириш муассасалари - бу мустақил ташкилий бир - ликлар бўлиб, ўз ҳудудига ва автаном мухандислик коммуникацияларига эга. Хизмат кўрсатувчи персанал кўп ҳолларда, дам олиш муассасаси ҳудудида яшайди. Тошкент масалаларнинг комплекс ҳал қилинмаслиги ва ҳар бир масаланинг муассасалар томонидан алоҳида – алоҳида ҳал этилиши нораціонал моддий сарфга, хизмат кўрсатиш сифатининг пас - айишига олиб келади. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи персанал сонининг ошиб кетишига ҳам сабаб бўлади.

Республикамизда мавжуд бўлган дам олиш муассасалари тармоғининг регионал, фарқланувчи хусусиятларига баҳо берадиган бўлсак ҳамда бу масалани лойиҳа амалиётида ечиш йўллари таҳлил этадиган бўлсак, табиий ресурслардан нотекс фойдаланилаётганини, рекреацион йиғиндиси сифатида ва табиий ландшафтнинг катта – катта майдонларини сақлаб қолишни ҳисобга олмаган ҳолда фойдаланилаётганини кузатишимиз мумкин.



Расм. Жиззах вилоятидаги “Зомин” дам олиш ва рекреация ҳудудини фото кўриниши.

Дам олиш муҳитининг қулай ва эстетик сифатлари юқори бўлиши рекреацион ҳудудлари тизимини лойиҳалашнинг асосий мақсади ҳисобланади. У кўп ҳолларда гуруҳли аҳоли яшаш тизимининг иқтисодий мақсадларини шакиллантириш мақсадларига зид келади. Биз кўриб чиқаётган ҳудудда бу муаммолар айниқса, чуқур. Бу муаммони ҳал этишнинг йўлларида бири рекреация ҳудудларини фазовий, шаҳарсозлик ташкил қилишда ландшафт хилма – хиллигини шакиллантириш ва уларнинг функционал мутанасиблигини таъминлаш орқали лойиҳа ечимларини топиш, бунда “ инсон – табиат ” тизими ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишга эришишдан иборат.



Расм. Бўстонлиқ туманидаги “Хумсон булоқ” дам олиш ва рекреация ҳудудини фото кўриниши.

Ўзбекистон дам олиш зоналари. Одамлар дам олиш учун кўп ҳолатларда қуёшли денгиз соҳилларини танлайдилар. Ўзбекистонда эса, унинг географик жойлашувига кўра денгизлар йўқ. Аммо, унинг ўрни босувчи алтернатив ҳудудлар – дам олиш ҳудудлари мавжуд. Бу ҳудуд-

ларнинг яхши томони, уларда оила ёки ҳамкасабалар, дўстлар даврасида ташқаридаги ташвишлардан ҳоли равишда дам олиш, саломатликни тиклаш мумкин. Дам олиш уйларида SPA – муолажалар, қулай шароитлар, ҳамёнбоп нархлар кишиларни ўзига жалб этади.

Дам олиш жойлари, асосан, Тошкент ташқарисида, тоза ҳаво, сув, жонли табиат қўйнида жойлашган. “ Чорвоқ оромгоҳи ”, “ Пирамидалар ”, “ Белдерсой оромгоҳи ” каби соғломлаштириш марказлари, “ Чатқал Маунтэинс ” тоғ курорти, “ Хожикент ” дам олиш уйи, “ Боғи Шамол ”, “ Epson Villa ”, “ Қизил сув ” дам олиш зоналари, “ VIP - Club”, “ Golden Fish Club ”, “ Эдельвейс ” каби клублар шулар жумласидандир.

Тошкентнинг асосий соғломлаштириш курортлари тоғли ҳудудларда жойлашган бўлиб, тоза ҳавоси, тоғ дарёлари, турли – туман гиёҳли ўтлари, шаҳар шовқинидан ва ташвишларида нарида эканлиги билан ўзига чорлайди.



“ Чорвоқ оромгоҳи ” – Ажойиб соғломлаштириш маркази. У чорвоқ сув омбори соҳилида, Тошкентдан 80 км масофада Чимён –

Чорвоқ курорт – рекреация зонасида жойлашган.

Тошкент вилоятининг экологик тоза қисмида, пойтахтдан 75 км масофада, қизил сув қишлағи ва “ Бочка ” яқинида, Чорвоқ сув



омборидан узоқ бўлмаган жой-

да “Боғи - Шамол” дам олиш зонаси жойлашган. “Боғи – Шамол” – Якка тартибда, оилавий ва корпоратив дам олишга мўлжалланган.



Тошкентдан 70 км масофада, Чимён тоғ ён бағирларида “Хожикент” дам олиш уйи жойлашган. Бу маскан ға – ройиб дам олиш даргоҳи бўлиб, у ер – да бўлган киши уни доимо яхши таассуротлар билан эслаб юради.

“Chatkal Mountains”- ажойиб тоғли курорт бўлиб, Угам – Чотқол Миллий табиий паркининг гўзал тоғли зонасида, денгиз сатҳидан 1500 м юқорида, Чорвоқ сув омборига қўйтадиган Чотқол дарёси қирғоғида жойлашган.



“Avenue Park Hotel” меҳмонхона – кўнгилочар мажмуаси ҳудуди 30000 м²

“Green Paradise”- кўнгилочар мажмуа бўлиб, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Чимён тоғ ён бағрида жойлашган.

“Янгиобод” туристик базаси Ангрен шаҳридан нарироқда, Тошкентдан 120 км масофада, Чатқол биосфера қўриқхона – сида, денгиз сатҳидан 1500 м юқорида,



Тянь – Шань тоғ ён бағирларида жой –
лашган .



ва ташвишларидан йироқда, хотиржам дам олиш учун барча шароитлар
мужассам.

“ Белдерсой оромгоҳи ” тоғли курорти
Тошкентдан 120 км масофада, Белдер –
сойда, Тянь – Шаннинг этакларида,
денгиз сатҳидан 1700 м юқорида жой –
лашган.



“ Арчазор ” – тоғ курорти бўлиб,
энг яхши ва замонавий дам олиш
истагида бўлганлар учун мўлжалланган.
У Чимён тоғи этакларидаги Қайроғоч-

Паркент тоғ олди худудида жойлашган
“ Сумча ” дам олиш уйи – сокинлик ва
Ҳордиқ тақдим этади. Кундузи қорли
Тоғлар, тунда юлдузли осмон кишини
Ўзига ром қилади. Шаҳарнинг шовқин



“ Epson Villa ”- инсон нигоҳидан нарида,
сокинликда дам олишни истаганлар
учун. У тоғ манзараси фонида яшил
ўсимликлар қаърида жойлашган
ажойиб маскандир.



зор ҳудудда жойлашган.



“Кумбель” меҳмонхонаси денгиз сатҳи –
дан 2300 м юқорида Угам – Чатқол
Миллий боғидаги “Белдерсой” ором –
гоҳи тоғли курорти ҳудудида жойлаш-
ган.

“Қизил сув” дам олиш зонаси
Бўстонлик зонасида Қизил сув
қишлагидан 4 км, Тошкент шаҳри –
дан 75 км масофада жойлашган.



Шаҳар шовқунидан чарчаганлар учун
Тошкентдан 80 км нарида жойлашган
“Крокус Парк” маъқул келади. Ушбу дам
олиш зонаси кўм – кўк ўтлоқ билан қоп –
ланган бўлиб, баланд қарағайлари ва
чорвоққа ажойиб манзаранинг очилиши билан манзур бўлади.

Жуда гўзал уч юлдузли “Азия Чимган”
отели 2005 йилда ишга туширилган.
Чимённинг арқон йўлидан 500 м лик
масофада жойлашган бу иншоот
дастлаб “Снежный барс” номи билан
машҳур бўлган.





“ Kuk Suv Resort ” Чорвоқ сув омборига
Яқин жойда, Тошкент вилояти Бўстонлиқ
тумани Бурчмулла қишлоғида жойлашган.

Шаҳар ташқарисидаги “ Golden Fish
Club ” да сизни фаол ва тинч ҳордиқ,
балиқ ови, от миниш каби қизиқарли
машғулотлар кутади. Бу маскан табиат қўйнида тинч дам олишни
ҳохлаганлар учун мўлжалланган.



“ Эдельвейс ”- тоғли кўнгил очар марказ
бўлиб, Чимган йўлида, Тошкентдан 72 км
масофада, арқон йўлидан 5 км масофада
жойлашган.

“ Тошкент оромгоҳи ” дам олиш базаси
Бўстонлиқ туман ҳудудида, Угам – Чот-
қол миллий боғида жойлашган.





Бурчмулла қишлоғида оммабоп дам олиш уйи “Green Canyon” жойлашган бўлб, маҳаллий аҳоли ва чет эллик сайёҳлар эътиборини қозонган.

“Небеса” меҳмонхонаси Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида, Чимён тоғ ён бағрида, Угам - Чатқол миллий боғи ҳудудида жойлашган ажойиб маскан.






Чорвоқ сув омбори яқинидаги Юсупхона қишлоғида “Charos Deluxe Resort” мажмуаси жойлашган. Charos Night тунги клуби машҳур бўлиб, унда 45 стандарт ва де макс номерлари мавжуд. Биноси шинам, қулай ва озода.

“Лайнер” меҳмонхонаси тоғлар оралиғида, арқон йўлининг шундоққина ёнида, Чимённинг гўзат табиати қўйнида жойлашган. бино архитектураси ҳақиқатдан ҳам тоғли кўкаламзор ҳудуд бағрига ёриб кираётган кемани эслатади.



Аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизимида
дам олиш зоналарининг шаклланиши.



**Тог шароитларида дам олиш районларини барпо этишда функционал зоналар
худудларининг тахминий кўрсаткичлари.**

Зоналар	Майдон-нинг нисбий салмоғи, %	Дам олиш вазифалари, киши/га
Дам олиш қурилиши	2-5	400 гача
Тог-спорт	15-20	2-20
Сайёҳлик ва манзара- йўналиш йўлкалари:	10-20	22-50
ўзлаштирилган манзара	50-70	0,3 – 3
Табиий манзаралар кўрикхоналар, заказниклар	30 гача	0,1-0,2

**“HUMSON BULOQ” соғломлаштириш
марказининг режавий қурилиши.**



I боб бўйича хулосалар.

Қайси бир мамлакатда бўлмасин, табиий – рекреацион зоналар тоғли, тоғолди ёки денгизбўйи ҳудудларида жойлашганига гувоҳ бўламиз. Чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, дам олувчилар учун асосий омиллар – қуёш ва сув ҳисобланади. Бу объектлар асосан жанубий ҳудудларда учрайди. Шу сабаб, Қора денгиз, Ўрта ер денгизи бўйларида курорт зоналари кўп учрайди. Туркия, Миср, Италия, Франция, Болгария, Россия, Украина, Греция каби мамлакатларда курорт – рекреация ҳудудларисероб. Мижозлар учун бу ерларда барча шароитлар муҳайё: қуёш, сув, қум, меҳмонхоналар, турбазалар, кемпинглар, мотеллар, юқори даражадаги сервис, юқори даражадаги муомила маданияти, шароитларга кўра таклиф этиладиган турлий даражадаги нархлар. Чехиядаги тоғли рекреация ҳудудлари тоза ҳавоси туфайли санатория – курорт объектлари жойлаштиришга мос келади. Шунингдек, Россиянинг Қрим ярим ороли ва Кавказ тоғлари ҳудудлари ҳам ҳавови шифобахш сувлари сабаб ҳам даволаниш, ҳам дам олиш учун қулай ҳисобланади.

Аммо, ландшафт – рекреацион ҳудудлардан фойдаланганда, албатта, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқ керак бўлади, яъни табиатга чексиз – чегарасиз таъсир ўтказиш келгусида экологик бузилишларга олиб келишини унутмаслик керак.

Ўзбекистонга келсак, рекреацион хизмат ташқаридан қараганда, автоном ҳолда ташкил этилган. Улар ўзороқ яхши боғланмаган. Улар, одатда мустақил фаолият юритувчи дала ҳовлилар, дам олиш уйлари бўлиб, ўз мустақил бошқарувига ва муҳандислик тизимига эга.

Республикада дам олиш тизимини яхшилашга тубдан янгича ёндошув керак. Бу ёндошувни биз комплекс ривожланишда ва ягона сиёсатга бирлашган ҳолда фаолият юритишда кўрамиз.

Лойиҳа амалиётида ҳам биз у ёки бу дам олиш зонасини лойиҳасини автоном агломерациялар ёки регионлар масштабида, айниқса, республика миқёсида дам олиш ёки даволаниш масканларининг жойлашуви, ривожланиши ва фаолият юритиши лойиҳа даражасида эмас, хатто схема даражасида ҳам ишлаб чиқилмаган. Бу эса соҳа ривожига кўпгина хатоликларга, ортиқча исрофгарчиликка сабаб бўлиши турган гап.

Қисқа муддатли дам олиш муассасаларига қуйидагилар киради:

- 1 – 2 кунлик дам олиш учун уйлар;
- Дам олиш куни туристик базалари;
- Пансионатлар;
- Кемпинглар;
- Меҳмонхоналар;
- Спорт – ёшлар оромгоҳлари;
- Чанғи, ов, балиқ ови базалари.

Соғломлаштириш муассасаларининг таркиби ва сиғимини аниқлашда шаҳар ташқарисидаги дам олиш ҳудудларига бўлган эҳтиёжни, ривожланиш йўналишларини, туризмнинг ортиб бораётган аҳамиятини, дам олишнинг оилавий характерини ҳисобга олиш лозим.

Шаҳар ташқарисидаги дам олиш муассасаларидаги ўринлар сонини ҳисоблашда дам олувчиларнинг 40 – 70% шаҳар ташқарисида дам олишга мойиллигини назарда тутиш керак. Бу объектларнинг 50 – 60% йил давомида фаолият юритиши лозим бўлади.

Айниқса, болаларнинг дам олишини ташкил этишга аҳамият бериш керак. Барча дам олувчиларнинг 20% болалар эканини ҳисобга оладиган бўлсак, улар учун болалар оромгоҳлари ёки махсус болалар парклари барпо этилиши зарур.

1 – 2 кунлик дам олиш уйлари, пансионатлар, мотеллар йил давомида хизмат кўрсатишга мўлжалланади.

Балиқ овловчилар ва овчилар базалари ҳам йил давомида фаолият кўрсатиши мумкин. Мавсумий муассасаларга кемпинглар (чодирли лагерлар), ёзги дам олиш шаҳарчалари, дам олиш куни турбазалари ва спорт – ёшлар лагерлари киради.

Зарур соғломлаштириш муассасаларининг таркибини ва сонини аниқлаш аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, табиий – иқлимий шароитларни, шаҳарнинг катталиги ва халқ ҳўжалиги профилини, дам олувчиларнинг ижтимоий – демографик таркибини эътиборга олиб амалга оширилади.

Рекреацион объектларнинг меъморий – режавий ечими уларни гуруҳларга, комплексларга, дам олиш раёнларига бирлаштириб, яхлит хизмат кўрсатиш тизимига боғлаб ташкиллаштирилади. Мухандислик жиҳозлаш, транспорт, ободонлаштириш, транспортда етиб бориш радиуси, объектларга олиб келувчи йўللарни ободонлаштириш эътибордан қочмаслиги керак. Шунингдек, дам олиш ҳудудларининг шаҳарга нисбатан жойлашувини ҳам ҳисобга олиш зарур.

II.1. Табиий - иқлимий омиллар.

Шаҳарсозлик масалаларини ҳал этишда лойиҳалаш жараёнининг барча босқичларида Ўзбекистон ҳудудларининг ландшафт – иқлимий районлаштирилишига мос равишда табиий муҳитнинг регионал, характерини ҳисобга олиш лозим. / расм 1/

Ўзбекистон ҳудуди 3 та ландшафт – иқлимий регионга бўлинган бўлиб ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга :

Регион I - текислик ва тоғолди воҳалар, водийлар, паст тоғолди ҳудудлар (1000 м гача) дан ташкил топган.

Бу ерлар қадимдан суғориладиган ва янгидан ўзлаштирилаётган бўлиб, юқори аҳоли зичлигига эга (1 кв.км га 400 – 500 киши). Аҳоли пунктлари ўртасида яхши коммуникацион алоқалар мавжуд.

Ҳудуднинг сув ва тупроқ ресурслари қулай, ирригация тармоқлари шакилланган.

Иқлими – қуруқ, иссиқ. Ёзда ноқулай муҳити ҳукм суради. Бу муҳит шимолда 60 кун, жанубда 120 кун давом этади. Шамолнинг тезлиги кучли эмас, 3 м/сек. Чўл чегарасида чанг – тўзон кўтарилиб туради. Ушбу ҳудудда шаҳарларнинг ҳажмий – режавий ечими, уни сув сатҳлари ва кўкаламзорларини шакиллантириш орқали шароитни бироз энгиллаштиришга эришиш мумкин.

Регион II – чўллар, кам ўзлаштирилган, сув таъминоти ёмон ҳудудлар бўлиб, суғориладиган деҳқончиликка қулай эмас. Фақат тупроққа агротехник ишлов берибгина бу ҳудудларни ўзлаштириш мумкин.

Ҳудудда аҳоли кам бўлиб, тарқоқ аҳоли ҳудудларида жойлашган. Улар чўл билан ўралган. Каммуникацион алоқалар тикланган.

Иқлим қуруқ ва иссиқ, 120 кундан ортиқ ноқулай иссиқ ҳаво оқими ҳукмронлик қилади. Шамол тезлиги 3 м/сек дан ортиқроқ. Қум ва чанг бўронлари 3-5 кун/ой бўлиб туради.

Сунъий ландшафтни ташкил этиш, шамол йўлини тўсиш, табиий ландшафтни фаол қайта ташкил этиш орқали аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратиш мумкин.


Худудда суғориш имкониятларини етарли эмаслиги, асосан, режавий ечимни шакллантиришда ва ташқи таъсирдан худудни химоя қилишда алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Регион III. Тоғлар ва баланд тоғлар. Бу худуд мураккаб рельеф тузилиши билан характерли. Метлорологик омиллар турли – туман.

Худуднинг тупроғи, сув ва тупроқ ресурслари фарқ қилади. Курилишга яроқли худудлар кам.

Шу сабабдан бу худудларда аҳоли яшаш пунктларини ёки дам олиш худудларини шакллантиришда алоҳида ёндашув талаб этилади.




Юқорида ёритилган табиий – иқлимий шароитлар регионларда олиб бориладиган шаҳарсозлик – лойиҳа ҳужжатларида ўз аксини топмоғи керак. Ҳаво, тупроқ, шамол, сув, рельеф каби муҳим элементлар шаҳарсоз – лойиҳачиларнинг диққат – эътиборидан четда қолмаслиги керак.



Расм .1. Ўзбекистон худудини шаҳарсозлик мақсадлари учун ландшафт – иқлим районлаштириш схемаси.
1- регион I, 2- регион II, 3- регион III.

ИҚЛИМ ХАРИТАСИ



ЁҒИНЛАРНИНГ ЎРТАЧА ЙИЛЛИК
МИҚДОРИ (ММ ҲИСОБИДА)



ҲАВО ҲАРОРАТИ +10°C ДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН ДАВР УЧУН
СУТКАЛИК ҲАРОРАТЛАР ЙИГИНДИСИ

МАСШТАБ 1:10 000 000





ЧЎЛЛАР

- 1** қумлардаги ярим бута, бута ва илоқ-саксовул гуруҳлар эфемерлар билан
- 2** гипсли түпроқлардаги шувоқ-кўп йиллик шўралар ва бурганлар
- 3** гипсли түпроқлардаги эфемерлар, кўп йиллик шўралар ва шувоқлар
- 4** гипсли түпроқлардаги шўралар, қора саксовуллар
- 5** лёссли түпроқлардаги саваннасимон тоғ олди ўсимликлари

ДАШТЛАР

- 6** эфемероидлар бугдойиқлар ва тоғ арпа ўсимликлари, қурғоқчил буталар билан
- 7** баланд тоғ ўт ўсимликлари буталар билан
- 8** тоғ бетага гуруҳлари тоғ қурғоқчил ўсимликлари билан

- 9** баланд тоғ паст бўйли ўтлоқлари
- СИЙРАК ЎРМОНЛАР**
- 10** пистали ўрмонлар эфемероид даштлар ва қурғоқчил бутазорлар билан
- 11** арчазорлар бугдойиқли ва бетагали дашт ўсимликлари билан
- ЎРМОНЛАР**
- 12** тоғ мевали ўрмонлари
- 13** дарё водийларининг тўқай ва ботқоқ ўсимликлари

- 14** воҳалар (суғориладиган ва бўз ерлар)
- 15** лалии ерлар
- 16** сийрак ўсимликли шўрхохлар

Маълумки, инсон хона ичида фаолият юритар экан, ташқи метеорологик таъсирларидан сақланган бўлади. Хонадаги меъёрий маиший шароитлар мос келувчи режавий, конструктив ва техник воситалар ёрдамида таъминланади.

Аммо, инсон хонадан ташқарида бўлганида бевосита ташқи метеорологик омиллар таъсирига дуч келади. Бу омилларнинг фаоллиги ва ўзгарувчанлигини ҳамма вақт ҳам бошқариб ёки ўзгартириб бўлмайди.

Иқлим динамик омил сифатида вақт ва маконда ўзгариб туради. Шаҳарнинг турли функционал ҳудудларида иқлим турлича ўзгариши мумкин, яъни айримларида у юмшаса, айримларида кучайиши мумкин. Бу ҳолат, айниқса, табиий ландшафт шароитида яққол кузатилади.

Иқлимнинг салбий таъсирини камайтирувчи чора – тадбирларни танлаш аҳоли яшаш ҳудудида қулай яшаш муҳитини яратишга қаратилган бўлиб, ландшафтнинг сифати ҳамда метеорологик омилларнинг ноқулайлик даражасига боғлиқ.

Ландшафт – нисбатан доимий ҳудуддий омил бўлиб, метеорологик шароитларнинг қисқа муддатли ўзгаришларини юмшатиб туради. Шу сабабли аҳоли яшаш ҳудудини режалаштириш ва қуриш нуқтаиназаридан қараганда ландшафтнинг характери ва хусусиятлари муҳим омил ҳисобланади ҳамда иқлимнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади. Ўз навбатида иқлим ва ландшафт бинолар ва кмплексларнинг режавий – меъморий ечимига, композициясига, шаҳарсозлик жойлашувига ҳам таъсир қилади.

Шаҳарсозлик масалаларини ҳал қилишга таъсир этувчи ландшафт элементлари қуйдагилардан иборат:

- ҳудуд рельефи, бинолар типологияси, йўллар трассировкаси, муҳандислик тизимлари;

- аҳоли ҳудудини кўкаламзорлаштиришга таъсир этувчи тупроқ таркиби ва ўсимлик қопламаси;
- сув ресурслари (очик, ерости) ;
- ҳудуднинг кўриниш сифатлари – меъморий композицияни шакиллантиришга таъсир этади;
- бино ва иншоотларнинг конструктив ва типологик ечимига таъсир этувчи геологик шароитлар.

Иқлимнинг муҳим омиллари қуйдагилар:

- қуёш радиациясининг интенсивлиги;
- ҳудуднинг шамол режими;
- иқлимий омилларнинг таъсир этиш вақтининг давомийлиги.

Ландшафт ва иқлимнинг таъсирини комплекс ҳисобга олиш аҳоли яшаш пунктларига муҳитнинг таркибий қисми сифатида қарашни тақоза этади.

Ўрта Осиё шароитида ташқи муҳитнинг шароитнинг чегарасининг ўрнатишда шамол ва қуёш радиацияси бўлиб, улар одам организмига бўлган аниқ юқламани белгилаб беради.*

Иссиқ об – ҳавода ҳарорат кўтарилса, унинг намлиги камаяди.

Қишда ҳаво ҳарорати -30 С дан паст эмас. Ёзда эса, айниқса ҳаво қизиганда, энг қулай об – ҳаво эрталаб бўлади.

Тоғли ҳудудларда ҳаво босими туфайли кишиларнинг аҳволи ўзгаради, (юрак уриши тезлашади) боши айланади.

Бизнинг шароитда сувнинг аҳамияти жуда катта.

Тоғ олди ва тоғ оралиғидаги ҳудудлар рекреациянинг барча турлари ривож учун хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида энг қулай муҳит 800-1200 м денгиз сатҳидан баландликда деб ҳисобланади.

II.2. Ижтимоий - иқтисодий омиллар.

Ўзбекистон Давлати мустақиллигини қўлга киритгандан буён ўтган вақт ичида табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси масалаларига жиддий ёндашилмоқда. Иқтисодий ислохатларни олиб бориш, бозор муносабатларига ўтиш, шаҳарларнинг ва аҳолининг ўсиб бориши, транспортда юк ва аҳоли ташиш ҳажимларининг ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва у билан боғлиқ ҳолда табиий ресурсларни қайта тиклашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Юқорида тилга олинган масалаларни ечиш мустаҳкам ҳукукий асосга эга. Ўтган давр ичида қабул қилинган қуйдаги қонун ҳужжатлари фикримиз далилидир:

1. “ Табиатни муҳофаза қилиш ” ҳақидаги қонун;
2. “ Табиий бойликларни муҳофаза қилиш чора – тадбирлари ва Чимён – Чорвоқ зонасини ўзлаштиришга комплекс ва тизимли ёндашувни таъминлаш ” бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори;
3. “ Чимён – Чотқол курорт – рекреацион зонасида табиий бойликларни асраш ва соғломлаштириш ва дам олиш тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар ” ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори ва бошқалар.


Мустақиллик шарофати туфайли олиб борилаётган оқилona ижтимоий – иқтисодий сиёсат соҳадаги иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишга ва ундаги ислохатларни босқичма – босқич амалга ошириш имкониятини бермоқда.

Халқаро алоқаларнинг ривожланиши, аҳоли дароматларининг ошиб бориши, унинг дам олишга бўлган эҳтиёжи ва имкониятларининг тенг

шакилланиши, ички ва ҳалқаро туризмнинг ривожланиши, аҳоли саломатлигига бўлган эътиборнинг ортиб бориши, бу соҳада соғлом рақобатнинг шакилланишига сабаб бўлмоқда. Бу омиллар янгидан – янги тақлифларни юзага чиқармоқда. 2001 йилда ижтимоий – иқтисодий соҳаларда босқичма – босқич олиб борилган реформалар макроиқтисодий стабилликка эришиш имкониятини яратади.

Олиб борилаётган бюджет ва солиқ сиёсати миллий иқтисодиёти - мизнинг асосий секторлари ривожига туртки бўлмоқда, аҳолини ижтимоий қўллаб – қувватлаш имконини бермоқда.

Мамлакатни иқтисодий ривожлантиришни табиатга таъсирдан ажиралган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас ҳамма вақт ҳам қилина - ётган ҳаракатлар кутилган натижани беравермайди. Ҳозирда иқтисодий ва экологик сиёсатни бирга олиб бориш тўғри ечим ҳисобланади.



II.3. Экологик омиллар.

Маълумки, яхши дам – эртанги кунги меҳнат жараёнига ижобий таъсир этади. Инсон дам олиш натижасида танасидаги чарчокдан ҳоли бўлади. Унинг меҳнат унумдорлиги ошади. Шунингдек, дам олишнинг тўғри ташкил этилиши натижасида инсоннинг кайфияти кўтарилади, иш ўрнида турли нохуш ҳолатларнинг олди олинади. Ҳаёт фаолиятида инсон “ дам олиш ” ва “ ҳордиқ ” каби тушунчаларга дуч келади.

Дам олиш деганда биз ишдан, уй – рўзғор ишларидан ҳоли бўлган ҳолда вақтни ўтказишни назарда тутамиз.

Дам олиш вақт кесимида қисқа муддатли ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатли дам олиш – паркларга, тоғли ҳудудларга ташриф буюришдан иборат бўлиб, узоқ муддатли дам олиш дам олиш уйларида, оромгоҳларда, туристик объектларда амалга оширилиши мумкин. Мазмун – моҳиятига кўра эса дам олиш “ фаол ” ёки “ тинч ” бўлиши мумкин. “ Ҳордиқ ” деганда биз асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган маълум бир севимли машғулот билан банд бўлишни назарда тутамиз. Нима бўлганда ҳам бу икки тушунча инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар ҳисобланади.



Расм. Рекреация ҳудуди ва дам олиш масканини фото кўриниши.

Мамлакатимиз ҳудудларида кўплаб дам олиш масканлари мавжуд бўлиб, улар асосан шаҳар ташқарисидаги тоғли ва тоғ олди зоналарида жойлашган. Пансионатлар, туристик база ва меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, мотель ва кемпинглар, санаторий – профилакторийлар шулар жумласидандир. Табиат бизга жисмонан ва ақлан дам олишимизга ёрдамга келади.

Афсуски, аксинча инсон гўзал табиатга баъзан онгли равишда, баъзан эса ўзи сезмаган ҳолда катта зарар етказиши мумкин. Дам олиш ҳудудларида ёнғин ҳолатларининг учраб туриши, майший чиқиндилар билан ифлослантирилиши оддий ҳол бўлиб қолмоқда. Бунинг учун дам олувчиларнинг экологик маданиятини ошириш талаб этилади. Бунда фақатгина шиорлар билан чекланиб қолмаслик керак. Маълумки, Тошкент вилоятининг рекреацион ҳудудларига яқин ерларда саноат шаҳарлари жойлашган бўлиб, улардан чиқаётган саноат чиқиндилари ҳавонинг, сувнинг, тупроқнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Ўтган асрнинг 70 – йилларидаёқ мегаполислар ўрнига эко – полислар барпо этиш ғояси илгари сурилди. Бунда биринчи бўлиб биологлар бонг уришди. Улар шаҳарни нафақат инсонларнинг яшаш макони, балки ҳайвонлар, қушлар, микроорганизмлар, ўсимликларнинг ҳам ҳаёт фаолияти ҳудуди сифатида қабул қилишни таклиф этдилар. Аҳлат ташлаш учун очик контейнерлардан фойдаланиш, шаҳар ташқарисидаги аҳлатхоналарнинг очиклиги, оқава сувлар билан сув ва тупроқнинг ифлосланиши каби йирик муоммолар билан бирга қишда асфальтларга туз сепиб, ўсимликларга жиддий шикаст етказиш, катта ҳудудларни асфальт билан қоплаб ер остидаги сув балансини бузиш, парк ва ҳиёбонлар тупроқ таркибининг бузилиши ҳолатларига ҳам дуч келамиз. Бу каби зарарли оқибатларнинг олдини олишга шаҳарсозлар, экологлар, биологлар, ландшафт архитекторлари билан бир каторда мутасадди ташкилотлар ва

кенг жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракатлари зарур бўлади. Ҳар бир ҳудуд учун табиатни муҳофаза қилиш комплекс лойиҳалари ишлаб чиқиши ва уларга қатъий амал қилиниши лозим. Бу каби тадбирлар экологик балансни бир меъёрга сақлашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга ва пировард натижада, инсон саломатлигини таъминлашга хизмат қилади.



Расм. Рекреация ҳудудларининг фото кўринишлари.



II.4. Транспорт - режавий омиллар.

Рекреация районларида аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими (АЖГТ – ГСНМ) таркибига кирувчи транспорт ва пиёдалар йўлларининг яхлит тизими барпо этилиши керак.*

Автомобил ва пиёдалар йўллари зонанинг функциясига кўра дифференцияланади.

Сайр қилиш йўллари, автомобил йўллари, велосипет, пиёдалар йўллари ландшафтнинг гўзал ҳолатларидан фойдаланиб шакиллаштирилади.

Улар дам олиш ҳудудининг барча функционал зоналарини ўзаро боғлаш лозим.

Аллеялар ва Бош пиёдалар йўлаклари энг кўп ташриф буюрадиган зонага режалаштирилади.

Авто ва пиёдалар йўлларини лойиҳалашда қуйидаги талабларга амал қилиш керак:

- рекреацион ҳудудда ҳаракатланганда эҳтиёжларни максимал кондириш лозим;
- сайр йўлакларининг ўтказиш имконияти яқин атрофдаги ҳудуд имкониятларига мос келиши керак;

Йўлларнинг габарити қуйидагича бўлмоғи керак:

- шосселар – 9 м
- бош аллея – 7 м
- бош йўл – 5 м
- иккинчи даражали йўллар – 2,0 – 2,5 м
- Тропинкалар – 1,2 – 2,0 м .

Оммавий дам олиш ҳудудларида транспорт марказлари, “ вокзаллар ” барпо этиш керак:

темир йўл, канат йўли, сув вокзали (станцияси) . ҳар бир функционал ҳудуд ўз кириш қисмига эга бўлиши керак.

Туристтик маршрутлар узунлиги бўйича чегараланмаган, ҳудуднинг гўзал ландшафтига эга жойларидм ташкил этиоади.

Рекреацион ҳудудда йирик сув ҳавзаси бўлса, транзит магистраль ундан камида 2 км масофа нарида ўтиши керак.

Маҳаллий йўлларни сув ҳавзаларига жуда яқинлашмагани маъқул, чунки у ҳолда дам олувчиларнинг автомашиналари пиёдалар йшлакларини кўп маротаба кесиб штишига тшғри келади.

Қирғоқ бўйлаб фақат пиёдалар йўлаклари, велосипед йўллари, отда сайр этиш йўлларини ўтказиш мумкин. Асосий йўлдан биноларга элитувчи йўллар ривожлантирилади.

Шунингдек, рекреацион зонага олиб келувчи автомобиль йўллари кулай ва сифатли бўлиши керак. Дам олиш зоналарининг кириш қисми ҳудудида авто тўхташ жойи ташкиллаштирилади.

Оммавий қисқа муддатли дам олиш зонасининг жамоат транспортида 1,5 соатлик масофадан узоқ бўлмаган ҳолда ташкил этилиши керак.

Рекреация тизимининг таркибий элементларининг транспорт тармоғини лойиҳалашда дам олиш, туризм ва даволаниш марказларининг тарихий шакилланган аҳоли яшаш ҳудудлари билан, тарихий +- маданий ва табиий диққатга сазавор жойлари билан алоқасини таъминлаш вазифа қилиб белгиланади.

Дам олиш ҳудудини лойиҳалашда автотухташ жойларини, зарур муҳандислик иншоотларини жойлаштириш мумкин бўлади.

Автотўхташ жойлари ҳудудини лойиҳа топшириғи асосида ҳисобланади.

Ўлчамлари меъморий лойиҳалаш нормалари асосида олинади.

II боб бўйича хулосалар.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш ҳудудларининг, шу жумладан шаҳар атрофидаги рекреация ҳудудларининг турли даражадаги лойиҳаларини ишлаб чиқишда юқорида баён этилган омиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ер майдонларидан рационал ва тежамкорлик билан фойдаланиш зарур. Ўсимлик ва сув ресурсларидан оқилони фойдаланиш, атроф – муҳитнинг санитария – гигиеник сифатларини юқори даражада таъминлаш керак;
- ҳудудларни компакт ташкиллаштириш лозим чунки, воҳаларда суғориладиган ерлар қимматли, чўлларда ерларни ўзлаштириш мушкул, тоғларда қурилиш ишларини олиб бориш мураккаблиги сабаб, ҳар бир қарич ер майдонидан унумли фойдаланиш талаб этилади;
- мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иссиқ кунларнинг узоқ давом этишини ҳисобга олган ҳолда кўпгина маданий – маиший жараёнларни ёпиқ бинолардан очик майдонларга олиб чиқиш тавсия этилади;
- шаҳарсозлик воситаларини ташқи муҳитнинг қизиқ кетиш ҳолатларида унумли фойдаланиш орқали инсонларга қулай шароитларни яратиш беришда қўллай билиш керак;

Аҳолига қулай яшаш муҳитини яратишда амалга ошириладиган шаҳарсозлик воситалари комплекс лойиҳа ишланмаларининг қайси босқичида эканлигидан ҳамда табиий омилларнинг уларга мос келадиган нисбатларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Туманни режалаштириш схемаси даражасидаги лойиҳаларда қулай шароитларни яратиш шакиллари қуйдагилардан иборат бўлади:

- аҳоли жойлашуви структураси;

- аҳоли яшаш ҳудудлариаро маданий – маиший, транспорт хизматлари тизимини ташкил этиш;
- аҳолининг оммавий дам олишини ташкиллаштириш.

Бунда микроиклим, ландшафт тури, ҳудуднинг муҳандислик – геология тузулиши ҳисобга олиниши керак.

III боб. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини архитектура – режавий ташкил этиш бўйича таклифлар.

III.1. Шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини шакллантириш тамойиллари.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришган дастлабки йилларданок халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳамда унинг саломатлигини мустаҳкамлашга давлат даражасида аҳамият берила бошланди. Бу борада шаҳар атрофидаги табиати мусаффо ҳудудларда санатория – курорт объектларини реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш масаласи ниҳоятда долзарбдир.

Маълумки, курортлар алоҳида шаҳарсозлик мажмуи бўлиб, у аҳолини табиий даволаш омилларига, қулай иқлим ва ландшафт шароитларига эга жойларда даволаш ва дам олишларини ташкил этиш мақсадида яратилади.

Бундай мажмуалар бир қатор иншоот ва қурилмалардан ташкил топади :

- даволаш – профилактика муассасалари, санаторийлар, пансионатлар;
- дам олиш уйлари, курорт меҳмонхоналари, туристик базалар, болалар оромгоҳлари;
- гидрогеологик ва бальнеотехник қурилмалар;
- даволаш муолажаларини қабул қилиш иншоотлари;
- спорт иншоотлари;
- маданий – оқартув муассасалари;
- умумий овқатланиш ва савдо –маиший хизмат корхоналари;
- умумий фойдаланиладиган кўкаламзор ҳудудлари;
- транспорт иншоотлари;

- мухандислик – ободонлаштириш иншоотлари;
- хизмат кўрсатувчилар учун тураржой фонди ва жамоат муассасалари.

Курортни қуриш учун ҳудудни танлаш аввало даволаш ва дам олиш учун қимматли бўлган табиий омиллар, шунингдек оптимал ландшафт белгилари мавжудлигига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Агар курорт яқинида қимматли парк ҳудудлари, тарихий ва меъморий ёдгорликлар бўлса, уларнинг ландшафтини ва давлат аҳамиятига эга ёдгор-ликларни муҳофаза қилиш, шунингдек курортдаги беморлар ва дам олувчи – ларнинг маданий қизиқишларини ривожлантириш мақсадида курортнинг чегараси ичига киритиш лозим.

Янги курортни ривожлантириш ёки мавжудини қайта қуриш учун зарур ҳудудни танлашнинг бир неча хил вариантини тиббий, гигиеник, меъморий – режавий ва иқтисодий кўрсаткичлар бўйича кўкаламзорларни сақлаб қолишни ва мавжуд бинолар ҳамда мухандислик қурилмаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ҳисобга олиб, таққослама техник – иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш йўли билан амалга ошириш лозим.

Курортни оқилона ташкил этишнинг ҳал қилувчи шарти унинг ҳудудини тўғри функционал ва табиий зоналаш бўлиб, бу беморлар ва дам олувчиларни даволаш, дам олиши ва хизмат кўрсатилиши учун, шунингдек курортдаги доимий аҳолининг ҳаёти ва ишлаши учун энг қулай шароитларни таъминлайди.

Йирик аҳоли пунктлари яқинида жойлашган иқлим билан даволаш курортларида, дам олиш ва сайёҳлик ҳудудида шу жойлардаги аҳоли - нинг оммавий қисқа вақтли дам олиши учун махсус ҳудудни ажратиш тавсия этилади.

Ҳудуднинг табиий ўзига хос хусусиятлари курортнинг меъморий қиёфасида акс эттирилиши керак.

Рекреацион зоналарни аниқлашга тизимли ёндашув белгилари.

Рекреацион зона	Рекреацион муасссалар	Санаторийлар, дам олиш уйлари, турбазалар ва бошқалар
	Рекреантларга хизмат кўрсатувчи корхоналар	Транспорт, коммунал хизмат корхоналари, сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқувчи корхоналар ва ҳ.к.
	Рекреация тармоқлари	Даволаш – соғломлаштириш.
		/Санаторийлар пансионатлар/
		Соғломлаштирувчи ҳордиқ (дам олиш уйлари, пансионат ва базалари).
		Туризм (Туристтик базалар, кемпинглар, меҳмонхоналар, алплагерлар)
		Қисқа муддатли дам олиш
		Болалар дам олиши
	Курорт – рекреацион тармоқлар	• Стационар дам олиш уйлари, пансионатлар; • Фаол дам олиш муассасалари (турбазалар, кемпинглар) • Қисқа муддатли дам олиш муассасалари (дам олиш куни базалари, овчилар уйи ва б.) • Санатория муассасалари (санаторий ва пансионатлар). • Болалар курорт – рекреацион муассасалари (шаҳар ташқарисидаги, соғломлаштириш лагерлари).

уларнинг кайфиятини кўтаради ва тўлақонли дам олиши учун шароит яратади.

Курортларни режалаштириш учун энг яхши санатория – гигиеник шароитларни яратиш мақсадида улар табиий ёки янгидан яратилаётган кўкаламзор массивларга жойлаштириш лозим. Айниқса, бу тоғда жойлашган курортларга хос булиб, уларнинг ҳудудлари, одатда, қия ён багирлар ёки жарликлар билан ажралиб туради.


Одатда, санаторий – курорт муассасасининг йўналишига боғлиқ ҳолда, шунингдек табиий ва маҳаллий шароитларга кўра курортнинг қурилишини аралаш қаватли қилиб лойиҳалаш лозим. Иқлим билан даволовчи денгиз бўйи курортларида етарли ўлчамдаги ҳудудлар бўлмагани учун кўпқаватли биноларни қуришни назарда тутиш лозим. Бу қимматли курорт ҳудудидан янада мақсадга мувофиқ фойдаланишга ва иморат қурилишига манзарали қиёфа беришга имкон беради.

Умумкурорт марказининг тўғри жойлаштирилиши санаторий – курорт ва умумкурорт муассасалари орасидаги хизмат кўрсатиш қулайлиги ва алоқа - ларнинг оқилона ташкил этилишининг белгилаб қолмай, балки курортнинг меъморий – режавий композициясининг асосий ядросини ҳам яратади.

Курорт қурилишининг ихчам бўлиши зарурий шарт бўлиб, имкон борича унга амал қилиниши керак.

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, курортнинг қизиқарли меъморий – бадиий қиёфаси маълум даражада даволаш ва дам олиш самарадорлигини оширади, курортга келувчи одамларга ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг кайфиятини кўтаради ва тўлақонли дам олиши учун шароит яратади.

Рекреацион ҳудудлар классификацияси.



Дам олиш зонасининг худудий таксимоти.



III.2. Тошкент денгизида дам олиш ҳудудини шакллантириш бўйича лойиҳавий таклиф.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда куйида ўз лойиҳавий таклифимни келтирябман. Ушбу лойиҳа таклиф Туябоғиз сув омбори (Тошкент денгизи) нинг юрагида жойлашган ярим оролдаги дам олиш зонасига тааллуқли бўлиб, Тошкент шаҳридан 50 км нарида жойлашади.

Дам олиш зонасининг ўзига тортадиган жиҳатлари куйдагилар:

- транспортда боришнинг қулайлиги;
- қулай экологик муҳит;
- гўзал табиат;
- Оброли курорт райони.

Ҳудуд 8 га даг иборат бўлиб, у кўкаламзорлаштирилади ва ободон - лаштирилади. Атрофи енгил девор билан ўралади. Дам олиш зонаси ҳудуди замонавий қўриқлаш воситалари билан таъминланади ва кузатиш тизими ўрнатилади.

Ҳудуд бир нечта функционал бўлақларга ажиратилади:

1. Кириш қисми;
2. Бош аллея;
3. Маъмурий бинолар;
4. Умумий овқатланиш зонаси;
5. Ётоқ зонаси;
6. Коттежлар ҳудуди;
7. Маданий ҳудуд, рақс майдончаси;
8. Фаол дам олиш зонаси (спорт зонаси);
9. Тинч дам олиш зонаси;
10. Чўмилиш зонаси;
11. Қайиқ станцияси;
12. Хўжалик ҳудуди.

1. Кириш қисми аркасимон дарвоза билан безалади. Кириш дарвозаси олдида тқпланиш майдончаси ва авто тураргоҳ режалаштирилади.
2. Бош аллея анвойи гуллар билан, буталар ва соя – салқин берувчи дарахт навлари билан кўкаламзорлаштирилади. Шунингдек, аллеяда фавворалар каскадини ташкиллаштириш ҳам мўлжалланган. Бу ўз навбатида дам олиш зонасига кираверишнинг улуғвор ва тантанавор бўлишига хизмат қилади.
3. Маъмурий бинолар қисмида маъмуриятнинг ҳамда медиа марказнинг бинолари ўрин олади. Бу ерда тибиёт пункти ҳамда кичик мажлислар зали ҳам ўрин олади.
4. Умумий овқатланиш зонасида 300 ўринга мўлжалланган қишги овқатланиш зали ҳамда 300 кишилиқ ёзги овқатланиш айвони қуриш мўлжалланган.
- 5,6. Ётоқ зонаси 3 ва 5 қаватли 3 та ётоқ корпуси ҳамда оилавий ётоқ ёки дўстлар билан яшашга мўлжалланган 87 та коттеждан ташкил топади. 5 қаватли ётоқ корпуснинг ўртасида жойлашган зинапоядан 6 ва 7 чи қаватларда қуриш режалаштирилган томоша майдончасига чиқин мумкин бўлади. Бу ердан туриб дам олиш зонаси худудини, Тошкент денгизи ва тоғ манзарасини кузатиш мумкин. 5 қаватли ётоқ корпусининг ертўла қисмида тунги клуб жойлашади.
7. Маданий худудда турли тадбирлар ўтказиш учун ва анфи тейатр кўриш мўлжалланган. Шунингдек дам олиш худудида рақс майдончаси ҳамда кутибхони ва тўғараклар хоналари жойлашади.
8. Фаол дам олиш зонаси стадион ҳамда тейнис, бадминтол ва валибол майдончаларидан ташкил топган. Шунингдек 5 қаватли ётоқ корпусида ёпиқ ва очик сув хавузаси жойлашади. Бассейн ропарасида стол тенниси ва билиарт хонаси мавжуд. 5 қаватли ётоқ корпуси ропарасида болалар ўйингохлари ва компьютерхоналари жойлашади.

9. Тинч дам олиш зонаси кўкаламзорлаштирилади фавворалар ўрнатилади ва у ерда шахмат – шашка клуби барпо этилади.
10. Чўмилиш зонаси 2 томонда жойлашади. Уер тоза қум ва соябонлар билан жихозланади.
11. Ярим оролнинг бурун қисми яқинида қайқ станцияси режалаш - тирилади. Уерда моторлт қайқ, скутер ва каттамаранни ижарага олиш мумкин бўлади.
12. Хўжалик ҳудуди персаналнинг машиналарни тозалаш ва сув сепиш машиналарни, янги ва эски жихозларни сақлаш жойларидан иборат бўлади. Буерда шунингдек рассом устахонаси ва чиқиндиларни сақлаш жойи ҳам назарда тутилади.

Хуллас мен таклиф қилаётган дам олиш зонаси барча замонавий дам олиш талабларига жавоб беради ҳамда Тошкент, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари ва ҳатто чет элдан келган меҳмонлар учун ҳам кўнгилдагидек дам олишларига имкон беради.

Дам олиш зонасини қуйидаги функционал ҳудудлар ташкил этади:

- Меҳмонхона ва коттеж комплекслари
- Маданий – кўнгилочар ва рекреация ҳудуди
- Маъмурий ҳудуд
- Тинч ҳудуд

Меҳмонхона ва коттеж комплексларини лойиҳалашда меъморий иншоотлар билан табиат уйғунлигига эришиш, хизматларни халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш лозим бўлади.

Алоҳида биноларнинг меъморий – режавий ечими миллийлик ва замонавийлик ҳамоҳанглигида ҳал этилмоғи керак.

III боб бўйича хулосалар.

Шаҳар атрофида рекреацион ҳудудларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан аввал, биз Ватанимизда ва чет элда бу борада тўпланган бой тажрибани таҳлил қилдик. Шунингдек, шаҳар атрофи рекреация ҳудудларини ташкил этишга таъсир этувчи табиий – иқлимий, ижтимоий – иқтисодий, экологик, транспорт – режавий омилларни тадқиқ этдик. Асосий эътибор тоғли ва тоғолди ҳудудларда ташкил этиладиган дам олиш зоналарига қаратилди.

Тоғ рекреация районларини режавий ташкил этилиши кўп жихатдан ҳудуднинг аниқ ситуациясидан келиб чиқади. Бундай ҳудудларни кўплаб тоғ водийларида учратамиз. Уларнинг меъморий – режавий ечимда қуйдагилар ҳисобга олиниши керак:

- курилишга яроқли ҳудудларнинг чекланганлиги;
- транспорт ва муҳандислик тармоқларини барпо этишнинг мураккаблиги;
- ҳар бир рекреацион марказни аниқ профилга иқтисослаштириш;
- райондан перспективада фойдаланиш имкониятининг мавжуд бўлиши;
- табиий ресурсларни асраш ва бойитиш зарурати.

Мутахассисларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра туризмнинг энг эҳтиёжга эга йўналиши биринчи навбатда даволаш – рекреацион, иккинчи навбатда маданий – билимларни ошириш, шунингдек, овчилик – балиқчилик, экологик, спорт – соғломлаштириш ва экстремал турлари ҳисобланади.

Талабнинг юқорилиги инвесторларни жалб этишни тақозо этади. Рекреацион ҳудудларда уникал комплексларни барпо этишда асосий йўналиш рекреацион ташкил этувчилар (дам олиш, даволаниш) бўлиб, улар албатта, маданий, билимларни, бойитиш, спорт ва саргузашт сегментлар билан бирликда келади. Ташқаридан қараганда бу комплекс мини – шаҳар

тарзида намоён бўлади ва ўз туристик ва таъминловчи инфраструктурасига эга бўлади.

Умумий хулосалар.

Умумий хулоса тарзида шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон шароитида сув ҳудуди бўйларида яъни, дарёлар сув омборлари ва бошқа сув хавзалари яқинида ёз мавсумида дам олишни хоҳловчилар сони бутун дам олувчилар сонининг 80% ни ташкил этади. Бу фактни ҳисобга олган ҳолда дам олишнинг бу турини кенгайтириш табиий ва сунъий сув хавзаларини ободонлаштириш лозим бўлади.

Бизнинг иқлимий шароитда шаҳар ташқарисида ва шаҳар ичида дам олиш ҳудудларини ташкил этиш мавжуд сув омборлари қирғоғида, шунингдек рекреация мақсадларида махсус барпо этилган сунъий сув хавзалари бўйларида амалга оширилиши мумкин. Сув хавзаларидан тўғри фойдаланиш учун сув акваториясида чўмилиш сув спорти билан ва балиқ ови билан шуғулланиш зоналари ва сув транспорти маршрутларини ажратиш зарур бўлади.

Сувга қулай ва хавфсиз элтувчи йўлаклар барпо этилиши керак. Сув яқинида рекреация зоналари ташкил этилганда кучли оқим бўлмайдиган ҳудудларни танлаш керак. Сув хавзаси яқинидаги рекреация зонаси таркибига пляж, хизмат кўрсатиш зонаси, спорт зонаси ва чўмилиш зонаси киради.

Қирғоқ бўйи ҳудудларида, улар ҳоҳ сунъий ҳоҳ табиий бўлмасин, бир нечта функционал зоналар ташкил этиш керак:

1 – зона 30 – 50 метр бўлиб қум, ўт ёки грави билан қопланган бўлади, уларда дарахт ёки буталар ўсмайди, бу ҳудудларда химоя мосламалари ўрнатилиб қуёш ванналари қабул қилиш мумкин бўлади. Бу ҳудуд пляж зонасининг 40 – 60% ни ташкил этади;

2 – зона 30 – 50 метр узунликда бўлиб гуруҳларда ўйнаш ва дам олиш учун ажратилади. Бу ҳудудни бошқа ҳудудлардан яшил экинлар ёрдамида ажратилади;

3 – зона кўкаламзор ҳудуд ҳисобланиб дам олиш ва сайр қилиш учун мўлжалланади бу ҳудудда тинч ва фаол дам олиш ҳудудлари жой олади.

Хизмат кўрсатиш зонаси ечиниб – кийиниш жойидан, медпунктдан, қутқариш хизматида ижара пунктдан, умумий овқатланиш корхонасидан киоск ва туалетдан ташкил топади унинг майдони пляж ҳудудининг 5 – 10% ни ташкил қилади.

Спорт зонаси майдончалар, қайиқ станцияси, транпилиндан ташкил топади ва пляж ҳудудининг 10% ни ташкил этади.

Пляж ҳудудида кийим алмаштириш учун 75 кишига 1 та кабина, душ мосламалари 75 кишига 1 та хожатхона 75 кишига 1 та унитаз сув ичиш фавворачалари 100 кишига 1 та ҳисобидан барпо этилади.

Соғломлаштириш комплексларида агар улар оилавий, фарзандлари билан дам олишга келган бўлсалар, пляж ҳудудининг 30% и болалар секторига ажратилади.

Ҳудудда ахлатдонлар ахлат йиғиш учун контейнерлар ўрнатилиши керак. Улар пляждан 25 метр масофада жойлашади ва ахлатни кунда олиб чиқиб кетиш учун қулай кириш йўлларига эга бўлиши керак.

Пляжни ботқоқ майдонларда лой ёки соя ҳудудларда, сув ва тупроқ ифлосланадиган ерларда ташкил этиб бўлмайди.

Ўсимликларнинг шовқиндан, чангдан, газлардан химоя қилувчи навлари эктлади:

1. Оқ акация

2. Дуб
3. Тол
4. Клен
5. Кумушранг терак
6. Тут дарахти
7. Ёнғоқ
8. Можжевельник
9. Туя
10. Чинор

Игнабаргли дарахтлар нохуш исларни йўқотади. Шунингдек улар антибактериал фаолликга эга бўлиб, ҳавони бойитади.

АДАБИЁТЛАР:

- 1 . Справочник проектировщика, градостроительство. Стройиздат м.,-1978
- 2 . М. К. Мирзаев туманни режалаштириш ва худудий жойлаштириш.т.,-2014
- 3 . Э. А. Тхор детские курортно-оздоровительные учреждения и комплексы м., - 1984
- 4 . Нагиев Т. Н. Фармирования системы культурно – бытового обслуживания в курортно – рекреационных зонах Азербайджана. Баку, 2011
5. Устойчивая архитектура. Международный симпозиум. Москва, МАРХИ, 2011
6. Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых сациально – экономических отношений. Тошкент., 2008
7. В.В.Гусев, Л. П. Хаханова Пионерские лагеря М.,- 1990
- 8 . И.п.савченко, а.ф.липявкин основы районной планировки м.,-1970
- 9 . В.А.Бутягин Планировка и благостройство Гродов стройиздат 1974
- 10 . Проблемы расселения и пути совершенствования застройки городов узбекистана под ред. Канд. Арх. Валиева р.м
- 11 . О.В. Терехова Индустрия досуга в США м.,-1983
- 12 . Е.А. Котляров География отдыха и туризма формирование и развитие территориальных рекреационных комплексов м.,-1978
13. А.Н.Римша Градостроительство в условиях жаркого климата Стройиздат М.,-1979
14. В.К.Копшев Районная планировка в решении задач охраны окружающей среды (обзор) т.,-1986
15. А.Э.Эсенов Ландшафтно-климатические основы градостроительства в средней азии (обзор) м.,-1971
16. Рекомендации по учету природно-климатических условий Узбекистана в градостроительном проектировании Т.,-1982
17. Правила застройки зон отдыха Узбекистана т.,-1980

18. ШНК 2.07.01-03